

Солиқчи-тадбиркорга құмакчи

Ўзбекистон туман Давлат солиқ инспекцияси Тадбиркорликни құллаб қувватлаш” шүйбаси бошлиғи Холиқбердиев Лазизбек Ўзбекистон туман Давлат солиқ инспекцияси туманимизда “Солиқчи тадбиркорга құмакчи” тамоили асосида бир қатор ишлар амалга оширилаётгандығы айтиб ўтди.

“Солиқчи-тадбиркорга құмакчи” тамоили асосида Ўзбекистон туман Давлат солиқ инспекцияси “Юридик шахсларға хизмат күрсатыш” бўлими “Тадбиркорликни құллаб қувватлаш” шүйбаси томонидан кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлариниг бухгалтерия хисобини юритиш ҳамда солиқ ҳисоботларини тақдим этишда аниқланган камчиликларга тузатишлар киритишида ҳамда солиқ органларига алоқадор бошқа масалалар бўйича ёрдам кўрсатилинмоқда.

2022 йил август ойида жами 53 янги тадбиркорлик субектлари рўйхатдан ўтди ва уларга бошланғич бухгалтерия хисоботларини юритиш ҳамда солиқ ҳисоботларини тақдим этиш бўйича амалий тушунчалар берилди.

2022 йил июнь ойи мобайнида 247 та тадбиркорлик субъектлари ўрганилиб, шулардан **101 та** субъектлардаги камчиликларни бартараф этиши. **37 та** тадбиркорлик субектларига солиқ имтиёзлари ва уларни құллаш тартиби хақида амалий тушунчалар берилди. Шундан E-aktiv ААТ бўйича ҳамда 92 та E-imtiyoz ААТ бўйича тушунча бериш ва ундан фойдаланиш бўйича йўриқномаларни ўргатиши ишлари амалга оширилди. **174 та** ШХРдан кўчирма бериш, 21 та холатда 85591,0 минг сўм ортиқча тўлов суммасини бошқа солиқ турларида бўлган солиқ қарзи суммасига сингдирилди ҳамда 2 холатда 32200,0 минг сўм ортиқча тўловлар солиқ тўловчининг хисоб рақамига қайтарили. 124 та бошқа идора ва ташкилотларга алоқадор муаммолар бўйича амалий ёрдам кўрсатилди.

Солиқлар иқтисодиётимизнинг устуни ҳисобланиб, ижтимоий тараққиётимиз манбасидир. Шундай экан, туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари ҳам тизимда давом этаётган ислоҳотларда фаол қатнашиб, шаффоффликни таъминлаган ҳолда солиқ тўловчиларнинг бизнес ҳамкори сифатида уларнинг интизомли солиқ тўловчи бўлиб қолишилари учун барча шароитларни яратиб беришга ҳаракат қиласидилар.

Ўзбекистон туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари хар доим туманимиз аҳолиси ва тадбиркорларни құллаб қувватлаш, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириб, юртимиз равнақига муносиб хисса қўшишларига биргаликда ёрдам беришларини яна бир бор таъкидлаб ўтади.

Л.Холиқбердиев

**Ўзбекистон туман ДСИ “Тадбиркорликни құллаб-қувватлаш” шүйбаси
бошлиғи**

2022-09-27 18:32:54